



2018 у.г. 9 сентябрь №1906-Қ Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

**Пахтаки туман ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлинмалари  
тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг  
функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-2691-сонли Қарорига мувофиқ ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги 603-Қ сонли қарори ҳамда туман ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги “Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 603-Қ сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан:

Қуйидагилар:

Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Туман ҳокимлиги Девонхона бўлими тўғрисида Низом 3-иловага;

Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки,

Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатлариға мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинглар.

4. Туман ҳокимининг 2016 йил 1 июндаги 589-Қ-сонли қарори ва 2017 йил 3 майдаги 177-Ф-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурӯҳи (Д.Напасов) туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.

**Туман ҳокими**

**В.Рахимов**

**Туман ҳокимининг 2018 йил 9  
сентябрдаги 1906-Қ сонли қарорига  
1-илова**

**Пахтачи туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг (кейинги ўринларда бошқарув аппарати деб аталади) вазифалари, функциялари, хуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарув аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бошқарув аппарати ҳокимлик фаолиятини ахборот-таҳлилий, хуқукий, ташкилий-техник ва молиявий-хўжалик жиҳатидан таъминлайди, халқ депутатлари туман Кенгаши мажлисларини унинг регламентига мувофиқ тайёрлайди, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва ижрони мунтазам равишда текширади.

Бошқарув аппарати халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

4. Бошқарув аппарати ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигига амалга оширади.

5. Бошқарув аппарати ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**II. Бошқарув аппаратининг вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар бошқарув аппаратининг вазифалари ҳисобланади:  
ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат

хокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят хокимининг қарор ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, таркибий ва институционал ўзгартиришлар, маҳаллий бюджетлар ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ тумани комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

туманда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётда, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларга доир тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

туманинг субвенция олишини қисқартириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳукуқларини ва кафолатларини таъминлаш юзасидан худудий бошқарув органларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, худудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш дастурлари, шунингдек бошқа худудий дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

худуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлилни ташкил этиш;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга

ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларнинг янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларини мувофиқлаштириш;

таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида инновациялар ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш, туманнинг инновацион салоҳиятини, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, фаолияти самарадорлигини ошириш, хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

қонунийликни, ҳукуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси хамда вилоят хокимлигининг қарор ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш;

норматив-ҳукуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳукуқий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан уларнинг айrim тармоқларга ва умуман ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолаш.

7. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси хамда вилоят хокимлиги қарор ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимлигининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринbosарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ва Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек ҳалқ депутатлари

вилоят Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва хуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлиги қарор ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда туманни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринbosарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Президентнинг хужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлиги қарор, фармойиш ва топшириқлари бажарилиши бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари, худудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринbosарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қиласди;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

ҳокимнинг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисботи халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан эшитилишини ташкил қиласди;

ҳокимликнинг иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

махфийлик режимини, давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Бошқарув аппарати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **III. Бошқарув аппаратининг хуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий бошқарув органларидан ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ҳамда олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вактингчалик эксперт гурухларини ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари шунингдек қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалалари ҳудудий бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиласидиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

ҳудудий бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларнинг норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

#### **9. Бошқарув аппарати:**

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва вилоят ҳокимлигининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, ҳокимнинг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига

киритиладиган таклифлар ва хужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва хукукий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимлиги, халқ депутатлари туман Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган хужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иктисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президентнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси хамда вилоят хокимлигининг қарор, фармойиш ва топшириқларининг, ҳоким ва унинг ўринbosарлари топшириқларининг худудий бошқарув органлари томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Бошқарув аппаратининг тузилмаси**

10. Бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гурухи, вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссия котиби, юридик хизмат, ҳоким ўринbosарларининг мажмуаларидан иборат бўлади.

Бошқарув аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада тасдиқлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

11. Бошқарув аппаратининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг вазифалар тақсимоти, ушбу Низом, Иш юритиш бўйича йўриқномага, ҳоким ўринbosарлари мажмуалари тўғрисидаги Низомларга мувофиқ ташкил этилади.

12. Ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гурухи, вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссия котиби, юридик хизмат ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунади.

Мажмуалар ўз фаолиятида ҳокимнинг тегишли ўринbosарларига бўйсунади.

13. Ташкилий-назорат гурухи раҳбари вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гурухи билан келишган ҳолда ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Бош юрисконсульт вилоят Адлия бошқармаси билан келишилган ҳолда ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳоким ўринбосарининг мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ташкилий-назорат гурӯҳи, ҳоким ўринбосарларининг мажмуалари тўғрисидаги Низомлар, шунингдек улар ходимларининг, ҳоким ёрдамчисининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссия котиби ва юридик хизматнинг функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади.

#### **V. Бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этиш**

15. Бошқарув аппарати ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Ҳоким ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқлари билан ҳокимликка қўйидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

##### **а) иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:**

иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш;

туманинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, спорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усусларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг худудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

худудий бошқарув органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк обьектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш;

почта ва телекоммуникациялар фаолияти, архив иши ва интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими ва туман ҳокими қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

тармоқ ва худудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиши, бунда туман кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш;

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса мевасабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни кафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туманнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, вилоят ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кўп

тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармокка айлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун маҳсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафакалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига накд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

туманнинг биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

кулай ишбилармонлик мухитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний хукуқлари ва кафолатларини химоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пуллик хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдони, пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-хукуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

**б) саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари соҳасида:**

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган

қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

туманда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, ҳалқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

курилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш;

**в) инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари соҳасида:**

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига йирик ва ўрта микдорда инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, туманда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ягона инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва туман ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича доимий равища тақлифлар ишлаб чиқиш ва юқори турувчи ташкилотларга киритиш;

туманнинг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция

дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этиш, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция таклифлари бўйича ягона базасини юритиш;

туманинг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа халқаро ҳукуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тармоқ инвестиция дастурлари, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасидаги комплекс дастурлар, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, авваламбор тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этишда иштирок этиш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўскинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида туман иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукumatлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат ва вилоят бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

туманинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш бўйича Республика, вилоят миқёсида ва чет элларда ўтказилган халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларда иштирок этиш;

иктисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни харид қилиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказиш

ва уларнинг якунлари бўйича ғолибларни аниқлашда иштирок этиш;

ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва ракобатдошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги бўйича замонавий талабларга, экологик стандартларга жавоб берадиган илғор технология ҳамда ускуналар бўйича жаҳон бозоридаги вазиятнинг чуқур таҳлилидан, таклиф этилган нархларнинг дунё бозоридаги ўртacha баҳо ва юзага келган бозор конъюнктурасига мос келиши, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар қиймати таклиф этиладиган технологияга қанчалик мувофиқ эканидан келиб чиқсан ҳолда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

экспертизадан ўтказиш ва тендер таклифларини баҳолашда қатнашиш, зарурат туғилгандан, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, тендер натижаларига кўра тузилган импорт шартномаларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказиш;

туманда лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштироқидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиши, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

давлат-хусусий шериклик механизmlарини, энг аввало, инфратузилма обьектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга кўмаклашиш;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизmlарини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тумандаги инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалий фойдаланишининг механизmlарини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда туман иқтисодиётни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорликни оширишни назарда

тутадиган “яшил иқтисодиёт” технологияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

туман инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистик хаблар фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол қўмаклашиш;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;

инновацияларни жорий этиш ва ҳудудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан орқада қолган ҳудудлар иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларнинг олдини олиш;

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шаклларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш;

аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга қўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритетлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга қўмаклашиш;

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга қўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун кўшимча шароитлар яратиш;

соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа обьектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил

ривожланишини таъминлаш;

атроф-мухит ифлосланишини камайтиришга, жумладан, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув объектларига ташланадиган оқова сувларни камайтиришга, биологик хилма-хиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инновацион технологик ечимлар ишлаб чиқиш;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг, жумладан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, энергия тежамкор, экологик тоза автотранспорт ёқилғисини ишлаб чиқариш технологиялари, чанг ва газдан тозаловчи технологияларнинг амалда қўлланишига кўмаклашиш;

сувдан фойдаланиш тизимини, шу жумладан сувни тозалаш, чучуклаштириш, оқова сувлардан қайта фойдаланиш ва сув тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, шу жумладан энергия ва биоўғитларни ишлаб чиқариш учун юқори технологияларни жорий этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиша ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини, шу жумладан норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш;

кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш, шунингдек,

IT-инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;

узоқ муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

тармоқлар, худудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари бўйича муттасил янгиланиб турувчи маълумотлар базасини ҳамда хусусийлаштирилган объектлар реестрини, шунингдек давлат активлари реестрини шакллантириш;

хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг молиявий-иктисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солик, иктисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, шу асосда фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва заарар кўриб ишлаётган корхоналарни, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш;

илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастлиги ҳамда ишламаётганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш;

янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рухсат берувчи хужжатларни олишда, коммуникацияларга уланишда ва тижорат банкларидан кредитлар ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

хусусийлаштирилган объектлар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга бизнес юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиши асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касб-хунар коллежлари базасида ўтказиладиган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республикамиизда ишлаётган, катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

тегишли худудда эркин иктисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, алоҳида ҳукуқий ва иктисодий режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

эркин иктисодий ва кичик саноат зоналарининг самарали фаолият

юритишини ташкиллаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларини шакллантириш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига ер майдонлари тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан мониторинг юритиш;

давлат мулки бўлган ишламаётган корхоналар ва бўш ётган мол-мулкларни эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда “нол” харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этиш;

эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг бош режаларини, шунингдек, кичик саноат зоналарини ривожлантириш режаларини кўриб чиқиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини устидан мониторинг юритиш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек инвестициялаш тўғрисида битимга киритилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчилари корхоналарининг бизнес-режалари параметрлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари - тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва корхоналарнинг фаолият юритишида юзага келадиган масалалар комплексини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқукий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этиш;

#### **г) туризмни ривожлантириш соҳаси бўйича**

худудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини

ишлиб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги дикқатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга оширади;

кўшимча туризм маршрутларини ишлиб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида кўнгилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этади;

туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлиб чиқиш ва амалга оширишни ҳамда ҳудудий бошқарув органлари иш фаолиятини мувофиқлаштиради;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёхлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

тармоқлар ва ҳудудлар даражаларида иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ривожланиш дастурлари, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокими ва туман ҳокимининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

#### **г) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида:**

қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

дехқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усусларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлиб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизmlари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизmlарини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлиб чиқиш ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини

мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруглантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси обьектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

**д) ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар соҳасида:**

Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюшмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оиласарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 11 синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимоти юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиши, битирувчиларни чукур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўкувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишининг илғор кўнилмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, турли тўгаракларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятни қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюшмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюшмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оиласи тадбиркорликка кенг жалб этиш, хуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган маҳсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишга кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оиласи манбаий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оиласи тартибида моддий ёрдам бериш чораларини кўриш;

**Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:**

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-хуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида худудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар соғлиги муҳофазасини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг, диагностика, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳолига ташхис қўйишнинг замонавий усусларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усусларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар, айниқса энг чекка қишлоқларда халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга спорт иншоотларини барпо этиш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордик чиқариш, бандлик, майший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини

кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

маҳалла фуқаролар йигинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамиятлари институтлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш;

### **Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:**

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида худудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

худудда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

худудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт ғояларга қарши мағкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самараали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шавқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, худудда ташкил этиладиган

чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

**е) жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар соҳасида:**

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг туманда жойлашган жамоат ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатлари ижросини назорат қилиш;

"Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ўтказишида маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий қадриятларга, ҳалқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишига қарши қураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига кўмаклашиш;

**ф) Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида:**

ҳоким ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонуллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарор ва

фармойишлари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси буйруқлари, йиғилиш қарорларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

а) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

хотин-қизларнинг мақомини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг хуқуqlари ва манфаатларини таъминлаш, хуқукий маданиятини, оила ва жамиятдаги ролини ошириш;

давлат ва жамоат органларини жалб этган ҳолда ёш оиласларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш соҳасида тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича тизимли иш олиб борилишини ташкил этиш;

хотин-қизлар масалалари бўйича норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида ва уларни амалга оширишда, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришда, ижроси устидан жамоатчилик назоратини йўлга кўйишда фаол иштирок этиш;

қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, иқтидорли, қобилиятли қизлар заҳираси билан тизимли иш олиб борилишин ташкил этиш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш;

ташаббускор, амалий иш тажрибасига эга бўлган қизлардан кадрлар заҳирасини шакллантириш ва уларнинг номзодларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга кўйиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол иштирок этишига қўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари хуқуqlари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда хотин-қизлар қўмитаси билан фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасида ижтимоий шерикликни кенгайтириш, хотин-қизларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш ишларини ташкил этиш;

б) оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш соҳасида:

жойлардаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ва якка тартибда иш олиб борилишини ташкил

етиш;

ёрдамга муҳтож бўлган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ва турар жой шароитлари яхшиланишига муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларнинг манзилли рўйхатларини тузиш;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларнинг қизларини ўқитиш мақсадида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг дам олишиин ҳамда уларга зауррий тиббий ва психологик ёрдам берилишинии ташкил этиш;

оилавий ва шахслараро низоларнинг, ўз жонига қасд қилишга ҳамда жамият ва оилада маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларнинг барвақт профилитикаси бўйича манзилли ишлар олиб бориш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, никоҳ ва оила институтини мустаҳкамлаш, никоҳ шартномаларининг хусусиятлари ва шартлари, фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг бевосита масъулияти, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ тизимли тарғибот тадбирларини йўлга кўйиш.

в) хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳукуқларини таъминлаш соҳасида:

бандлик дастури доирасида хотин-қизларни, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, улар бандлигининг сифати, доимий иш ўрни билан таъминланганлиги юзасидан амалий назоратни йўлга кўйиш;

хотин-қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этишда, кредит ва бошқа ресурсларни жалб этишда давлат хизматларидан фойдаланиш;

хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳукуқларини ҳимоя қилиш ишларининг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга ва кичик ёшдаги болалари бўлган аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга кўйиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратишда кўмаклашиш, берилган имтиёзлар тўғри қўлланиши масалаларини тартибга солувчи, давлат рўйхатидан ва бошқа тартиботлардан ўтиш, меҳнат муносабатларига киришиш бўйича қонунчилик хужжатлари юзасидан тушунтиришлар олишда уларга ёрдам бериш;

г) жиноят содир этишга мойил бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш орқали хотин-қизлар орасида ҳукуқбузарликларнинг барвақт

профилактикаси соҳасида:

хукуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва хукуқбузарилклира профилактикасини самарали ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш;

хотин-қизлар орасида хукуқий тарбия ва хукуқий тарғибот, хукуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш, оиласарда ижтимоий-маданий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш мумукин бўлган вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш;

жиноят содир этишга мойил бўлган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, маҳсус ўқув-тарбия муассасаларидан, ижтимоий реабилитация ва хотин-қизларни мослаштириш муассасаларидан қайтган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришни ташкил этиш.

д) "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

мутасаддилик қиласадиган ташкилотлар билан биргаликда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, туманнинг тегишли тармоқлари ва худудларидаги масалалар бўйича "йўл хариталари" лойиҳаларига киритиш учун таклифлар тайёрланишини ташкил этиш;

мажмуа ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ташрифлари ва худудга сафарлари натижалари бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" бажарилиш устидан тизимли назорат амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

тегишли масалалар юзасидан худудий бошқарув органлари, тижорат банкларининг "йўл хариталари"ни амалга ошириш тўғрисидаги ахбороти, материаллар ва ҳисботлар тақдим этилишини таъминлаш ҳамда уларни муҳокама қилиш учун туман ҳокимлиги йиғилишларига киритиш;

"йўл хариталари" амалга оширилиши самарадорлиги юзасидан тақдим этиладиган ахборот ва материалларни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Ҳокимнинг ўринbosарлари қонун ҳужжатларига ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

17. Ҳокимнинг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девонининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлигининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириклари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини

ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимлигининг тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, топшириқларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил қиласди;

ҳокимнинг номига тушган хат-хабарларни таҳлил қиласди, пухта экспертизадан ўтказади, зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқларни (фишкаларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижро чиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳоким томонидан юкланган ва функционал вазифаларда назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

#### 18. Ташкилий-назорат гурӯҳи:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

туман ҳокимлиги таркибий бўлинмалари билан биргаликда белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга оширади, кўриб чиқилаётган номзодларни хар

томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлайди;

келгусида худудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ишларини ташкил этади;

худудий бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қиласди;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қиласди;

ҳокимнинг ўринbosарлари билан биргаликда мутасаддилик қиласдан ҳокимлик аппарати кадрларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

худудий бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлайди;

давлат мукофотларига тавсия этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлимлари, жамоат ташкилотлари таклифларини олиш, уларни ишчи гурӯҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиб, туман ҳокимига киритиш;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошқа хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам қўрсатади;

халқ депутатлари туман Кенгашининг, унинг комиссияларининг ва бошқа ишчи органларининг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди, депутатларга уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;

фуқароларнинг маҳалла йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда худудий давлат органларига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва вилоят ҳокимлиги аппарати билан ўзаро хамкорлик қиласди;

Ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия котибининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

20. Юридик хизмат бошлиғи ва бош юрисконсультнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

21. Ҳоким ўринbosарининг мажмуаси:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича ҳоким ўринbosари ишларини ташкил қиласи;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳалқ депутатлари туман Кенгashi ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қиласи;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

ҳоким ва ёки унинг ўринbosари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йигилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини, ташкил этади ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлайди ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Бошқарув аппарати таркибий бўлинмасининг раҳбари (ва бошқалар):

таркибий бўлинмага бевосита раҳбарлик қиласи, ўз мутахассисларининг ишларини ташкил қиласи ҳамда бўлинмага юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиша давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қиласи ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза кўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

ҳоким ёки унинг ўринbosари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

23. Бош мутахассис (етакчи мутахассис, биринчи тоифали мутахассис):

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қиласи, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринbosарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қиласи;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг муентазам равища янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокимлиги аппаратининг таркибий бўлинмалари (иктисодий, молиявий ва ҳукуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий

равиша ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ҳоким ва ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

24. Бошқарув аппарати бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари ва функциялари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.

25. Бошқарув аппаратини сақлаш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Туман ҳокимининг 2018 йил 9  
сентябрдаги 1906-Қ сонли қарорига  
2-илова**

**Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги 603-Қ сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳининг (бундан кейин “гурух” деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳукуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди. **Гурух туман ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, бевосита туман ҳокимига бўйсунади.**

2. Гурух ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги қарор ва фармойишлари, халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари, туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари, туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом, шунингдек ушбу Низом асосида амалга оширади.

**II. Гурухнинг вазифалари ва функциялари**

3. Гурух Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида”ги 303-сонли ҳамда 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорлари ҳамда бошқа тегишли қонун ва қонун ости хужжатларига асосан иш юритади.

4. Қўйидагилар гурухнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, худудий бошқарув органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг хужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш;

туман ҳокимлиги таркибий бўлинмалари билан биргаликда белгиланган

тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантирган ҳолда унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

белгиланган муддатларда туман ҳокимлиги таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ва ходимларидан назоратдаги ҳужжатлар, қарор, фармойиш, йигилиш баёнлари, чора-тадбирлар, назорат режалари ва бошка топшириқларнинг ижроси тўғрисида маълумот олиш;

туман ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарор, фармойишлари ва бошка ҳужжатлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган туман ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш чорасини қўриш;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритиш;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, кўриб чиқилаётган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш, ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж асосида амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимларга тайёрлаб бориш учун мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қилиш;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш;

туман ҳокимининг ўринбосарлари билан биргаликда ўzlари раҳбарлик қиласидан комплекслари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш, ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошка хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлаш;

рахбар кадрлар алмашинуви (ротация) жараёнларини ўрганиб бориш ва бу борада таклифлар киритиш, таълим муассасалари ва ўкув юртлари билан кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

худудларда мунтазам равишида кадрлар билан ишлашнинг аҳволини таҳлил қилиш, ёш истеъодли, мустақиллик ғояларига содик бўлган ватанпарвар, фидойи кадрларни танлаш ва улар тўғрисида раҳбариётга ахборот ва таклифлар бериб бориш;

туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи туман ташкилотлари кадрлари билан кадр иши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, уларни ахборотларини эшлиши;

давлат мукофотларига тавсия этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, худудий бошқарув органлари, жамоат ташкилотларининг таклифларини олиш, уларни ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиб, туман ҳокимига киритиш;

туман ҳокимининг ўринбосарлари, худудий бошқарув органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясига номзодларни танлаш, ўрганиш ва туман ҳокимига таклифлар киритиш;

ушбу Академияни битирувчилари ҳамда олий ўкув юртларини битирганларни кейинги иш фаолияти тўғрисида мониторинг ишларини олиб бориш;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳоким раҳбарлигига ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатиш;

халқ депутатлари туман Кенгаши, унинг комиссиялари ва бошқа ишчи органларининг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш, депутатларга уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишда қўмаклашиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказища худудий давлат органларига қўмаклашиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида таклифлар тайёрлаш, барча турдаги сайлов комиссияларининг мустақил ва ошкора ишлашлари учун шароитлар яратиб беришга қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимлиги аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

заруратга қараб туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органларининг масъул мутахассисларини туман ҳокимлигига кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш ишларига жалб қилиш;

гурух ваколатига киравчи масалалар юзасидан туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ва ходимларини таклиф этиш ва уларнинг таклифларини кўриб чиқиш.

Гурух тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **III. Гурухнинг хуқуклари ва жавобгарлиги**

5. Гурух ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқукларга эга:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий бошқарув органларидан белгилangan тартибда олиш ва сўраш;

туман ҳокими топшириғига биноан ҳудудий бошқарув органлари, жамоат ташкилотларининг йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, ташкилий-назорат ва кадрлар иши бўйича ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳудудий бошқарув органлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун ишчи гурухлар ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари томонидан киритилган ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ҳужжатлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгилangan тартибда талаб қилиш;

ҳудудий бошқарув органларининг норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринbosарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгилangan тартибда ўрганиш.

Гурухнинг зарур материалларни, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек ташкилий-назорат ва кадрлар иши бўйича туман ҳокимининг қарор, фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар туман ҳокимининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, гурух белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

### **6. Гурух:**

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарор ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойиш ва топшириклари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги қарор, фармойиш ва топшириклари, шунингдек туман ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириклари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг туман ҳокимлиги бошқарув аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этилиши;

кадрлар ҳисобга олинишининг ва улар билан ишлаш бўйича ҳисботларнинг ахволи, кадрлар бўйича ҳужжатларнинг сақланиши ва ишларнинг юритилиши учун жавоб беради.

Гурух раҳбари ва ходимлари ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

#### **IV. Гурухнинг тузилмаси**

7. Гурухнинг тузилмасига гурух раҳбари, 1 нафардан етакчи мутахассис киради.

8. Гурухнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори билан белгиланган.

9. Гурух ишига гурух раҳбари раҳбарлик қиласи.

Ташкилий-назорат гурухи раҳбари вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гурухи билан келишган ҳолда ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Гурух ходими бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади, улар гурух раҳбарининг таклифига асосан туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимига тайинланади ва озод этилади.

Гурух ўз фаолиятини иш режалари асосида олиб боради.

Гурухда ҳар ҳафтада йиғилишлар ўtkазилиб, берилган топшириклар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириклар белгилаб олинади.

Гурухда иш юритилиши, ҳужжатларнинг ижроси гурух мутахассислари томонидан олиб борилади ҳамда бу ҳақда ҳар ойда гурух раҳбарига маълумот бериб борилади.

#### **V. Гурух фаолиятини ташкил этиш**

10. Гурух ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси

ҳамда вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқлари, туман ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек туман ҳокимлигининг иш режалари, гурухнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

### 11. Гуруҳ раҳбари:

Гурухга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассис ишларини ташкил қиласи ҳамда мазкур Низомга мувофиқ гурухга юкландан вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавоб беради.

Гурух мутахассиси ишларини мувофиқлаштиради, ижро интизомини таъминлайди, соҳага оид ҳокимликда ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади.

Туман ҳокимининг ўринbosарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан биргаликда туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимлари ҳамда номенклатура бўйича ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлаб, бу билан боғлиқ хужжатларни туман ҳокимига киритади.

Ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тавсия этиш ва алмаштириш масалаларини кўриб чиқади ва туман ҳокимлиги раҳбариюти билан келишилган ҳолда амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимлиги раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларни танлаш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва уларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш ишларини ташкиллаштиради.

Кадрлар заҳираси сифати учун шахсан жавоб беради. Заҳирага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб боришни ташкил этади.

Гурух ишларини такомиллаштириш, мутахассислар иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди, гурух ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди.

Гурух ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо бериш тўғрисидаги таклифларни туман ҳокимига тақдим этади.

Гурух мутахассисига ваколати доирасида топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳамда туман ҳокимлигининг иш режаси лойиҳаларини кўриб чиқади ва туман ҳокими тасдигига киритади.

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир хужжатларни расмийлаштириш ишларини ташкил этади.

Ушбу Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

12. Гурух рахбари вақтингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини ўзининг кўрсатмаси ва туман ҳокими топшириғига кўра мутахассиси бажаради.

13. Гурухнинг етакчи мутахассиси ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширади.

**Туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гурухи рахбари**  

---

**Д.Напасов**

**Туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гурухи етакчи мутахассиси**  

---

**Вилоят ҳокимининг 2018 йил 9  
сентябрдаги 1906-Қ-сонли қарорига З-  
илова**

**Пахтаки тумани ҳокимлиги Девонхона бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги Девонхона бўлимининг вазифалари, функциялари, хукуqlари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Девонхона бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун хужжатларига, ҳалқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашининг ва вилоят ва туман ҳокимининг хужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Девонхона бўлими ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигига амалга оширади.

4. Девонхона бўлими ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимлигининг тегишли хизматлари, шунингдек тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

**II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари**

5. Девонхона бўлимининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунида ва бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларида белгилangan ваколатларининг амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлаш, келиб тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилиш;

ҳоким ёрдамчиси ва туман ҳокимлигининг мутахассислари билан

биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши ташкил қилиш;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилиши таъминлаш.

Девонхона бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **III. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги**

6. Девонхона бўлими ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хукуқларга эга:

халқ депутатлари туман Кенгashi ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлаш;

махфий ва хизмат доирасида фойдаланиш учун ҳамда ҳукumat телеграммаларини расмийлаштириш, ижросини таъминлашга, ижрочиларга тўғри ва белгиланган тартиб асосида етказиш ҳамда сақлаш;

7. Бўлим ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши ҳамда ҳужжатларнинг рўйхатга олиниши, юритилиши ва сақланиши учун жавоб беради.

Девонхона бўлими мудири ва ходимлари ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

### **IV. Бўлимнинг тузилмаси**

8. Девонхона бўлимининг тузилмаси 1 нафар девонхона мудири, 1 нафар 2-тоифали мутахассисидан иборат бўлади.

Девонхона бўлимининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарори билан белгиланган.

9. Ишлар бошқарувчиси ва унинг ходимлари вилоят ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

### **V. Девонхона бўлимининг фаолиятини ташкил этиш**

10. Девонхона бўлимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияга, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириқларига, ҳоким ва унинг ўринbosарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимликнинг яrim йиллик иш режалари

асосида ташкил этилади.

тасдиқланган норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, келиб тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қиласди;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

ҳокимнинг ёрдамчиси ва туман ҳокимлиги мутахассислари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши ташкил қиласди;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

Девонхона бўлими тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

11. Бўлим ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширади.

**Туман ҳокимининг 2018 йил 9  
сентябрдаги 1906-Қ сонли қарорига 4-  
илова**

**Туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг вазифалар  
ТАҚСИМОТИ**

**Туман ҳокими**

Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими қабул қилган хужжатлар ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, ахолини туманни бошқаришга жалб этишни таъминлайди;

ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлиги хужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари туман Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар қўради, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

туманни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, туман маҳаллий бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботни халқ депутатлари туман Кенгашига тақдим этади;

халқ депутатлари туман Кенгашига туман ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисботлар тақдим этади;

Вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда туман ҳокимининг ўринbosарларини лавозимга тайинлади ва лавозимидан озод этади. Ушбу масалага доир қабул қилган қарорларини туман Кенгашининг тасдигига киритади;

ҳокимлик таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласди;

берилган ваколатлари доирасида туман ташкилотлари раҳбарларини

лавозимга тайинлайди ва амалдаги тартибга асосан туман Кенгаши тасдиғига киритади. Шунингдек, тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлаш бўйича вилоят бошқармаларига таклифлар киритади;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика, вилоят ва хорижда туманинг расмий вакили сифатида иш кўради;

қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга худудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритади;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоят, ариза ва таклифларини қараб чиқади, “Халқ қабулхоналари” ни фаолият кўrsatiшига ҳар томонлама кўмаклашади;

заруроятга қараб, аммо бир йилда камида икки марта халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясини чақиради, сессияни олиб боради, унинг ҳужжатларини имзо қўйиб тасдиқлади;

янги технологиялар ва техникаларни жорий қилиш орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, бунда янгиликларни ўзлаштиришга юқори даражадаги қобилиятли илмий ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш чораларини кўради;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан, уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширади;

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, туман мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, курилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат

кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ иш кўради.

### **Қуйидаги комиссиялар ва кенгашлар ишига раҳбарлик қилади:**

туман ҳокимлиги хузуридаги Хорижий фуқароларга шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлат фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга туман ҳудудида яшаш учун рухсатномалар бериш, шунингдек уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича маҳсус комиссия;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони амалга оширилиши бўйича чора-тадбирлар бажарилишини мувофиқлаштирувчи туман комиссияси;

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг туман кузатув Кенгаши;

Ёшлар масалалари бўйича туман идоралараро Кенгаши;

Туман Маънавият ва маърифат Кенгаши;

Географик обьектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссия;

Туман ҳокимлиги хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси;

Туманда эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси;

Давлат мулкини инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар эвазига инвесторларга танлов асосида “ноль” харид қийматида сотиш бўйича туман худудий танлов комиссияси;

Ер танлаш ва ажратиш комиссияси (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси;

Тошқинга қарши кураш бўйича туман комиссияси;

Туманда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш комиссияси;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича туман комиссияси;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича худудий комиссияси;

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нархнавони мониторинг ва назорат қилиш бўйича доимий фаолият юритадиган худудий комиссия;

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2018/2019 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси;

Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича туман комиссияси;

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши;

Таносил касалликларига қарши курашиш туман идораларро комиссияси;

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси;

2020 йилда Токио (Япония) шахрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига туман спортчиларини сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича туман комиссияси;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши;

қонун хужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа худудий комиссиялар ва кенгашлар.

**Ўз ваколати доирасида қўйидаги ташкилотларнинг тегишли масалалари кўриб чиқилишини таъминлайди ва фаолиятини мувофиқлаштиради:**

туман прокуратураси;

туман ички ишлар бўлими;

туман адлия бўлими;

жиноят ишлари бўйича туман суди;

фуқаролик ишлари бўйича туман суди;

туман Маъмурий суди;

туман мудофаа ишлари бўлими;

бошқа хуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

### **Туман ҳокимининг ёрдамчиси**

Лавозимига туман ҳокими томонидан тайинланади ва озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девонининг, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят

хокимлигининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимлигининг тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, топшириқларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил қиласди;

ҳокимга келиб тушган хат-хабарларни таҳлил қиласди, пухта экспертизадан ўтказади, зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқларни (фишкаларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижрочиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳоким томонидан юклangan ва функционал вазифаларда назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

Ҳокимнинг кунлик, ҳафталиқ, ойлик, чораклик ва йиллик ишларини ташкиллаштиради.

Ҳар куни туман ҳокими қабулига туманинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича келган мансабдор шахсларни белгиланган тартиб асосида ҳоким қабулига киритади. Ҳоким топшириғига кўра масъул шахсларни ҳоким қабулига таклиф этади.

Хорижий ва ҳамдўстлик давлатларидан, қўшни вилоятлар ва туманлардан турли масалаларда келган мансабдор шахслар, меҳмонларни қабулхонада тегишли тартибда қабул қилиб, ҳоким ҳузурига ташриф буюришларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, вазирликлар, вилоят ҳокимлиги ва бошқа барча юқори ташкилотларнинг кундалик телефон қўнғироқларига белгиланган йўриқномалар асосида жавоб беради, бу ҳақда туман ҳокимини хабардор қиласди ва зарур ҳолларда тегишли мансабдор шахсларга хабарларни етказади.

Ҳоким топшириқларини тезкор ва сифатли бажаради, уларни ҳисобга олади ва назорат қиласди, уларнинг бажарилиши ҳақида ҳокимга ахборот бериб боради.

Туман ҳокимига матбуотда чоп этилаётган Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимининг қарорлари ҳақида ўз вақтида ахборот бериб боради.

Ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларни ташкил этишда қатнашади.

Республика, вилоят ва туман газеталари, журналлари саҳифаларида чоп этилган туман ҳаётига оид нашрлар, мақолалар ҳақида ҳокимга ахборот беради, ҳоким номига келаётган муҳим хужжатлар билан ишлайди, уларни ҳоким кўриб чиқиши учун тайёрлайди. Шошилинч характердаги хабарнома ва топшириқлардан зудлик билан ҳокимни хабардор этади.

Шахсий масалалар бўйича туман ҳокими қабулинин ўтказишда иштирок этади ва уни ташкил этади.

Ҳоким ўринbosарлари билан ҳамкорликда туман ҳокимлиги аппарат ва “Ҳоким соати” йиғилишлари юзасидан туман ҳокимини тегишли маълумотлар билан таъминлайди.

Тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тушаётган тезкор ахборот ва маълумотлар ҳақида доимий равишда ҳокимга маълумот бериб боради, зарур ҳолларда бу ҳақда ҳокимлик масъул ходимларига билдиради.

Ҳокимлик масъул ходимлари билан ҳоким олди йиғилишларида ўзига топширилган вазифаларни бажаради ва зарур ҳолларда масъул шахсларга бажариш учун юқлатилган топшириқлар ижросини назорат қиласди.

Ҳар куни туман ҳокимининг ўринbosарлари билан боғланиб, об-ҳаво, ижтимоий-иктисодий фаолият билан боғлиқ бўлган масалалар, муҳим воқеалар ҳақида маълумот олади ва ҳокимга хабар беради.

Туман ҳокими ишга келиши ва кетиши олдидан ҳоким хонасини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва хонани маҳсус муҳр билан муҳрлайди. Телефон ва бошқа алоқа хизматлари ишини кўриб чиқади.

Мажбуриятларини ва топшириқларни бажармаса ҳамда амалдаги қонунчилик талабларини бузган ҳолларда белгиланган тартиб асосида интизомий жазо чораси қўлланади.

### **Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosари**

Туман ҳокимлиги аппаратига ҳамда туманда иқтисодиёт ва тадбиркорлик комплексига раҳбарлик қиласди. Соҳага дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимининг қарор ва фармойишлари, халқ депутатлари туман Кенгashi ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади.

Комплексга умумий раҳбарликни амалга оширади. Соҳага дахлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокими қарор ва фармойишлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимлиги томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодиёт ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши ташкиллаштиради. Республика ва вилоят миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурлар ижросини таъминлайди;

туманнинг макроиктисодий кўрсаткичларини, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этади;

иктисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, хокимлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқади ва сўзсиз амалга оширади;

ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиши, бунда туман кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қиласи;

иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса мевасабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни кафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туманнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз

амалга оширишни таъминлайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, вилоят ва туман маҳаллий бюджетига тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этади;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-кувватлаш, бу соҳани индустрялашган тармоққа айлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун маҳсус дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, худудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширади;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафакалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига накд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қиласди.

чакана ва улгуржи савдони, хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизими니 такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усусларини кенг жорий этиш, аҳолини истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўтасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шаклларини жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўтасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-

тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни вилоят Иқтисодиёт бошқармасига киритиш;

худудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра сұхбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-куватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш;

худудий бошқарув органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк обьектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш;

Почта ва телекоммуникациялар фаолияти, архив иши ва интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят хокимлиги ва туман ҳокими қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят хокимлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиздан ўтказиш;

тасарруфидаги мажмуа ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон ҳамда 1999 йил 29 марта “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар ишига раҳбарлик қилади:**

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчилиқда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш туман комиссияси;

Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича туман ҳокимлиги хузуридаги маҳсус комиссияси;

Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақирив, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича туман чақирив комиссияси;

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш;

Ўта муҳим ва тоифаланган обьектлар муҳофазасини назорат қилиш комиссияси;

туман ҳокимлиги хузуридаги Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш хуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаларини бериш бўйича маҳсус комиссияси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа худудий комиссиялар ва кенгашлар.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар иш фаолиятини ташкил этади:**

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича туман комиссияси;

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нархнавони мониторинг ва назорат қилиш бўйича доимий фаолият юритадиган худудий комиссия;

тумандаги бюджет ташкилотларини юқори малакали кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича комиссия.

### **Ўз ваколати доирасида қуйидаги ташкилотларнинг тегишли масалалари кўриб чиқилишини таъминлайди ва фаолиятини мувофиқлаштиради:**

туман ҳокимлиги Молия бўлими;

туман Давлат солиқ инспекцияси;

туман Статистика бўлими;

туман Ғазначилик бўлими;

туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими;  
Бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси туман бўлими;  
туман тижорат банклари;  
Савдо-саноат палатасининг туман бўлими;  
туман Бандликка қўмаклашиш маркази;  
“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти туман бўлими;  
“Ўзбектелеком” компанияси туман филиали;  
туман Архив иши бўлими;  
тумандаги улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар;  
тумандаги барча автомобиль савдоси билан шуғулланувчи корхоналар;  
тумандаги улгуржи шароб савдо билан шуғулланувчи корхоналар;  
Суғурта ташкилотлари;  
тумандаги Бозорлар бозорлар ва савдо комплекслари.

### **Бош мутахассис**

Ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича ҳокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosари ишларини ташкил қилади. Ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади.

Мажмуага юклатилган барча вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавоб беради, мажмуага тааллуқли ташкилотларда ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича туман ҳокимлиги номидан иш кўради, тармоқдаги ташкилот ва муассасаларнинг ислоҳотларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради.

Мажмуа ишини яхшилаш ва ходимларнинг иш малакасини оширишга оид чора-тадбирларни амалга оширади. Иқтисодиётда давлат сиёсатини амалга ошириш масалалари билан шуғулланади.

Мажмуанинг ижро интизомини мустаҳкамлаш билан шахсан шуғулланади. Аҳволни танқидий таҳлил қилиб боради ва натижаси бўйича тегишли чоралар кўриш тўғрисида таклифлар киритади. Тизимдаги кадрларни малака ва тажрибасини ошириш, ўқитиш масалалари билан доимий шуғулланади.

Мажмуадаги ташкилотлар билан белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиб, зарур кўрсатма, топшириқ ва тавсиялар беради. Ишни ташкил этиш учун ҳисботни ва мажмуа ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа ахборотларни қонунда белгиланган тартибда талаб қилиб олади.

Туман ҳокимининг тегишли қарор ва фармойишларининг бажарилишини

ташкил қиласи ва назоратга олади. Мажмуа ишини режалаштиради, ваколатларига киравчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йўналишларни ва вазифаларни белгилайди, тақсимлайди ва бажарилишини назорат қиласи.

Иқтисодий ўсишнинг юкори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгартеришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чукурлаштиришга, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошишини таъминлашга қаратилган тадбирлар билан шуғулланади.

Худудий бошқарув органларининг бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юкори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушкини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Худудий дастурларни амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш ишларини фаол бажаради.

Маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган бюджетнинг мувозанатлилигини, соликлар ва бошқа мажбурий тушумларнинг ўз вақтида тушишини, харажатларнинг молиялаштирилишини ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминлайди.

Тармоқлар ва ҳудудлар даражаларида иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ривожланиш дастурлари, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят хокими ҳамда туман ҳокимининг қарорлари бажарилишини назорат қиласи.

Ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириб, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишни таъминлайди.

Худудий давлат бошқаруви органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилишини рағбатлантириш ва ташкил қилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Почта ва телекоммуникациялар фаолияти, архив иши ва интеллектуал мулк обьектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими ва туман ҳокими қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Қулай ишбилиармонлик мухитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуqlари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усусларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқукий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Тегишли комиссияларнинг ишини ташкил этади ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қиласиди.

**Қуйидаги ташкилотлар тегишли масалалари кўриб чиқилишини таъминлайди:**

туман ҳокимлиги Молия бўлими;  
туман Давлат солиқ инспекцияси;  
туман Статистика бўлими;  
туман Ғазначилик бўлими;  
туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими;  
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими;  
туман тижорат банклари;  
Савдо-саноат палатасининг туман бўлими;  
туман Бандликка қўмаклашиш маркази;  
“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти туман бўлими;  
“Ўзбектелеком” компанияси туман филиали;  
туман Архив иши бўлими;  
тумандаги улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар;  
тумандаги барча автомобиль савдоси билан шуғулланувчи корхоналар;  
тумандаги улгуржи шароб савдо билан шуғулланувчи корхоналар;  
Сугурта ташкилотлари;  
тумандаги Бозорлар бозорлар ва савдо комплекслари.

**Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш,**

## **коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари**

Туманда саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик мажмуига раҳбарлик қилади. Соҳага даҳлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, хукумат қарорлари ва фармойишлари, вилоят хокимининг қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят хокимининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Худуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида худуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади.

Саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлайди.;

Саноатни ривожлантириш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади ва йирик корхоналарга инвестицияларни жалб этишга имконият яратади.

Туманда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил қилиш, халқаро стандартларни кўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳамда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминланишига, ўзаро ҳисоб-китобларни мувофиқлаштирилишига асосий эътиборни қаратади.

Курилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, капитал қурилиш ва коммунал соҳасида иктисадий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қурилиш субъектлари ўртасида бозор муносабатларини жорий этиш, пудрат, лойиха ишлари ва қурилиш материаллари бозорини

шакллантиришни ташкил қиласи.

Шунингдек, пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Худудда шаҳарсозлик хужжатларини шакллантириш ва юритиш бўйича ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар ҳамда шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш, автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, аҳолига транспорт ва алоқа хизмати кўрсатишни яхшилаш, соҳага бозор муносабатларини жорий қилиш масалаларини мувофиқлаштиради.

Транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, транспорт соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади, транспорт ва коммуникация комплексларида инфратузилмани шакллантиради.

Мухандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, йўллар, транспорт иншоатларини ривожлантириш ва аҳолини ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш, шунингдек аҳоли пунктларини ободонлаштиришни таъминлаш бўйича дастурни бажарилишига йуналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, лойиҳалашнинг замонавий услубларини жорий этиш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш, пудрат ташкилотлар ва қурилиш индустряси корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади, давлат аҳамиятига эга бўлган қурилишларнинг боришини назорат қиласи.

Ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлайди ҳамда инвестиция дастурларига мувофиқ равишда қурилишлар манзилли рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди, барпо этилаётган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолият кўрсатишига ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Коммунал соҳани ислоҳ қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш ишларига раҳбарлик қиласи.

Энергетика, нефт, газ корхоналари ва бошқа биринчирилган ташкилотларда иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишни таъминлайди.

Ресурсларни тежовчи технологиялар ва механизмлар жорий этилишини, ёқилги-энергетика ресурслари тежалишини таъминловчи дастурларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

Иккиламчи қора ва рангли металларни тўплаш ҳамда топшириш ишларини ташкил қиласди.

Болалар спортини ривожлантириш масалаларида спорт иншооатларини қуриш ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Ахоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш, вилоят, туманлар марказлари, қишлоқлар ва ахоли пунктларини ободонлаштириш бошқармалари ишларини мувофиқлаштиради.

Ахолини сифатли ичимлик сув, оқава сув тармоғи билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш, қишлоқ ахолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиш даражасини яхшилаш чораларини кўради.

Биритирилган соҳаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш ва улардаги ахволни танқидий таҳлил қилиш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва қайта ўқитиш масалалари билан шуғулланади ҳамда уларни лавозимларга тайинлаш, озод қилиш бўйича туман ҳокимига таклифлар беради.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Тасарруфидаги мажмуа ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон ҳамда 1999 йил 29 марта “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорлари талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлади.

Ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга тақдим этиб боради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади.

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

### **Қуйидаги комиссиялар ишига раҳбарлик қиласди:**

Қора ва рангли металлар парчаларини, чиқиндиларини тайёрлаш ва топширишни назорат қилиш бўйича туман комиссияси;

Ахоли пунктларини комплекс қуришни назорат қилиш ҳудудий комиссияси;

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш туман комиссияси;  
Транспорт соҳасида лицензиялаш бўйича туман комиссияси;  
Капитал қурилишда пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича туман комиссияси;  
Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияси;  
Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича туман комиссияси;  
туман ҳокимлиги хузуридаги ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссия;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар иш фаолиятини ташкил этади:**

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа обьектларини 2018/2019 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси;

Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича туман комиссияси;

Ер танлаш ва ажратиш комиссияси (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси;

Тошқинга қарши кураш бўйича туман комиссияси;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияси.

### **Қуйидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради:**

туман коммунал хизмат кўрсатиши бўлими;

туман ҳокимлиги архитектураси;

туман автомобиль йўллари бўлими;

туман “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси;

туман нефть маҳсулотлари унитар корхоналари;

“Самарқанд электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти туман бўлими;

“Марказгазтаъминот” давлат унитар корхонаси туман бўлими;

туман “Сувоқова” давлат унитар корхонаси;

### **Бош ва етакчи мутахассислар**

Иш режаси асосида фаолият кўрсатади. Саноат ва транспорт соҳасида давлат хизматларини кўрсатиши чора-тадбирларини амалга оширади. Йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ҳудудда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида

ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил қилиш, халқаро стандартларни кўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳамда маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурларини корхона ва ташкилотларда қўлланилишини амалга оширилишида кўмаклашади.

Ресурсларни тежовчи технологиялар ва механизмлар жорий этилишини, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежалишини таъминловчи дастурлар ижросини таъминлаш, аҳолини нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ўрганган ҳолда уларни нефть маҳсулотлари ёнилғиси билан таъминланишига доир барча чора-тадбирлар ишлаб чиқища масъул ҳисобланади.

Соҳага тааллукли мақсадли дастурлар ижросини тайёрлайди. Металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш-топшириш бўйича топшириқлар ижросини таъминлайди.

Туман ҳокимининг ўринбосарининг топшириғига асосан берилган барча топшириқларни бажарилишини таъминлайди.

Лавозими доирасига кирувчи масалалар муҳокамаси юзасидан туман ҳокимлигига ўтказиладиган йиғилишларга тегишли маълумотларни тайёрлайди ва белгиланган топшириқлар ижроси бўйича назоратни олиб боради.

Мазкур тармоқ бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари вилоят ҳамда туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилиши ва назорати учун шахсан жавобгардир.

#### **Қуйидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради:**

туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлими;  
туман ҳокимлиги архитектураси;  
туман автомобиль йўллари бўлими;  
туман “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси;  
туман нефть маҳсулотлари унитар корхоналари;  
“Самарқанд электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти туман бўлими;  
“Марказгазтаъминот” давлат унитар корхонаси туман бўлими;  
туман “Сувоқова” давлат унитар корхонаси;

#### **Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари**

Комплексга умумий раҳбарликни амалга оширади. Соҳага дахлдор бўлган

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят хокимининг қарор ва фармойишлари, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади;

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, вилоятда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-кувватлашга йўналтирилган ягона инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва туман худудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича доимий равища тақлифлар ишлаб чиқади ва юқори турувчи ташкилотларга киритиб боради;

Республика, вилоят ва туманинг йиллик Инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда иштирок этади, хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этиш учун инвестиция тақлифлари бўйича ягона базасини юритади;

туманинг хорижий давлатлар, ҳалқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа ҳалқаро ҳуқуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантириш дастурлари билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, авваламбор тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашишга қаратилган маблағларни жалб этишда иштирок этади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўскинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида туман иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини

оширади;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

туманнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш бўйича Республика, вилоят миқёсида ва чет элларда ўtkазиладиган халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларида иштирок этади;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш учун тендер (танлов) савдолари ўтказиш ва уларнинг якунлари бўйича ғолибларни аниқлашда иштирок этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва рақобатдошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги бўйича замонавий талабларга, экологик стандартларга жавоб берадиган илғор технология ҳамда ускуналар бўйича жаҳон бозоридаги вазиятнинг чукур таҳлилидан, таклиф этилган нархларнинг дунё бозоридаги ўртача баҳо ва юзага келган бозор конъюнктурасига мос келиши, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳалар қиймати таклиф этиладиган технологияга қанчалик мувофиқ эканидан келиб чиқсан ҳолда, тендер хужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тендер таклифларини баҳолашда қатнашиш, зарурат туғилганда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, тендер натижаларига кўра тузилган импорт шартномаларини бекор қилиш бўйича таклифлар киритади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

тумандаги лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиши, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, инфратузилма

объектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга кўмаклашади;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқади;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тумандаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалда фойдаланишнинг механизмларини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда туман иқтисодиётни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади;

атроф-мухитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорликни оширишни назарда тутадиган “яшил иқтисодиёт” технологияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашади;

туман инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистика фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол кўмаклашади;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширади;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритади;

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шаклларини жорий этиш бўйича таклифлар киритади;

аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашади;

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий,

интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга кўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун кўшимча шароитлар яратишга кўмаклашади;

“Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли шаҳар” концепцияларини жорий этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа обьектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шахарсозликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойихаларига мувофиқ изчил ривожланишини таъминлашга кўмаклашади;

атроф-мухит ифлосланишини камайтиришга, жумладан, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув обьектларига ташланадиган оқова сувларни камайтиришга, биологик хилма-хиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инновацион технологик ечимлар ишлаб чиқади;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг, жумладан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, энергия тежамкор, экологик тоза автотранспорт ёқилғисини ишлаб чиқариш технологиялари, чанг ва газдан тозаловчи технологияларнинг амалда кўлланишига кўмаклашади;

сувдан фойдаланиш тизимини, шу жумладан сувни тозалаш, чучуклаштириш, оқова сувлардан қайта фойдаланиш ва сув тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, шу жумладан энергия ва биоўғитларни ишлаб чиқариш учун юқори технологияларни жорий этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқади;

иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини ишлаб чиқади;

кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали

инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлади;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтинослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашади;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этишга, шунингдек, IT-инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашади;

узоқ муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташабbus кўрсатади;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг молиявий-иктисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иктисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, шу асосда фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлайди;

илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастлиги ҳамда ишламаётганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлайди;

янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олишда, коммуникацияларга уланишда ва тижорат банкларидан кредитлар ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлайди;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусийлаштирилган объектлар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга бизнес

юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиши асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касбхунар коллажлари базасида ўтказиладиган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республика миқёсида ишлаётган, катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этди;

тегишли худудда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, алоҳида ҳукуқий ва иқтисодий режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг самарали фаолият юритишини ташкиллаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларини шакллантириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини таъминлайди;

инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар худудида жойлаштириш бўйича таклиф киритади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига ер майдонлари тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан мониторинг юритади;

давлат мулки бўлган ишламаётган корхоналар ва бўш ётган мол-мулкларни эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда «нол» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этади;

эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиши, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг бош режаларини, шунингдек, кичик саноат зоналарини ривожлантириш режаларини кўриб чиқиши, эркин иқтисодий ва кичик саноат зонаарида муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг юритади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек инвестициялаш тўғрисида битимга киритилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчилари корхоналарининг бизнес-режалари параметрлари бажарилиши устидан мониторинг олиб боради;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари - тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва корхоналарнинг фаолият юритишида юзага келадиган масалалар комплексини ҳал этишда ёрдам кўрсатади;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади;

комплекс таркибига кирувчи ташкилотларнинг раҳбар ва ходимларини

танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда маҳаллий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қиласди.

Қурилиши тугалланмаган обьектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича идоралароро комиссияси ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар ишига раҳбарлик қиласди.

худудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

худуднинг туризм соҳасидаги асосий вазифалар ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

туризм соҳасида ваколатига таалуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқка киритиш;

туристлар (экскурсантлар)га худуддаги туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек тиббий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги фавқулотда ёрдам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

туризм соҳасида турли тадбирлар (фестиваллар, сайллар в.б.)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги дикқатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

кўйшимча туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида кўнгилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос обьектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

туризмни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик, идора ва қўмиталарнинг ҳудудий бошқармаларнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

туризм соҳасидаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантириши қўллаб-қувватлаш, туризм хизматларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқш, чет мамлакатлардаги туризм марказларида нарх коnyderасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги хизмат ва маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маданий-таниширув мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун ва саёҳатлар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда кўмаклашиш;

юртимиизда ва чет эл мамлакатларида бўлиб ўтадиган миллийва халқарро туризм ярмаркаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиш йўли билан ҳудуднинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиши;

ҳудуддаги туризм ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлаш.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар иш фаолиятини ташкил этади:**

Давлат мулкини инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар эвазига инвесторларга танлов асосида “ноль” харид қийматида сотиш бўйича туман ҳудудий танлов комиссияси;

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгashi.

### **Қуйидаги ташкилотлар тегишли масалалари кўриб чиқилишини таъминлайди:**

туман Инвестиция бўлими;

Чет эл инвесторлари иштирокидаги қўшма корхоналар;

шунингдек фаолият доирасига киравчи барча корхона ташкилот ҳамда хўжалик бирлашмалари.

тумандаги туризм соҳаси субъектлари (мехмонхоналар, туроператорлар,

турагентлар, ҳамроҳ-таржимонлар, умумий овқатланиш шахобчалари в.б.);

туризм инфратузилмасини шакллантиришда ва туристларга хизмат кўрсатишида иштирок этувчи ташкилотлар.

## **Бош мутахассис**

Иш режаси асосида ишлайди. туман ҳокимининг тегишли қарор ва фармойишлари бажарилишини ташкил этади ва назорат қиласи. Ижро интизомига мувофиқ ўзига бириттирилган муассасаларга боғлик барча хужжатларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

туман ҳокимининг тегишли ўринbosари топшириқларининг бажарилишини таъминлайди.

Тегишли комиссияларнинг ишини ташкил этади ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қиласи.

туман иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, туманда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-куватлашга йўналтирилган ягона инвестиция, жумладан, хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва туман худудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш соҳасидаги меъёрий-ҳукуқий базани янада такомиллаштириш бўйича доимий равища тақлифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

туманнинг йиллик Инвестиция дастурлари ва худудий инвестиция дастурларини, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқади, мувофиқлаштиради ва мониторинг қиласи;

туманнинг хорижий давлатлар, ҳалқаро иқтисодий ва молия институтлари, чет эл банклари, жамғармалари, агентликлари, компаниялари ва бошқа ҳалқаро ҳукуқ субъектлари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорлигини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш, ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш бўйича тақлифлар тайёрлайди ва туман ҳокимининг тегишли ўринbosарига киритади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини тизимли назорат қилиш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини, шунингдек, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш асосида туман

иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширади;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар молия институтларининг жалб этиладиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашишга қаратилган маблағлар (грантлар), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялардан самарави фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

туманнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳияти тўғрисида хорижий инвесторларни кенг хабардор қилиш бўйича Республика, вилоят миқёсида ва чет элларда ўтказиладиган халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумларида иштирок этади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида сотиб олинадиган ускуналар, техника ва технологиялар, бутловчи буюмларнинг нарх кўрсаткичлари, шунингдек, тайёр ҳолда топшириладиган лойиҳаларнинг қиймат кўрсаткичларига доир импорт шартномаларини тизимли асосда пухта экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

тумандаги лойиҳа институтлари ва ташкилотларининг инвестиция лойиҳалари, аввало хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиши, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик механизmlарини, энг аввало, инфратузилма обьектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга кўмаклашади;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқади;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизmlарини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тумандаги инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалда фойдаланишининг механизmlарини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда туман иқтисодиётни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади;

атроф-мухитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорликни оширишни назарда

тутадиган “яшил иқтисодиёт” технологияларининг принципларини ишлаб чиқиша жорий этишга кўмаклашади;

туман инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистика фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол кўмаклашади;

макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иқтисодиёт тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегияларини шакллантиришга кўмаклашади;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширади;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиша жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритади;

инновацияларни жорий этиш ва худудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолган худудларни жадал ривожлантириш ҳисобига худудлар иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларнинг олдини олади;

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шаклларини жорий этиш бўйича таклифлар киритади;

аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашади;

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга кўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барваqt аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, “Ақлли тиббиёт” ва “Ягона тиббиёт ахборот маркази” концепцияларини жорий этиш

орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун қўшимча шароитлар яратишга кўмаклашади;

иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиша ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини ишлаб чиқади;

кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлади;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашади;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этишга, шунингдек IT-инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашади;

узоқ муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойихаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатади;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодиёт ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, шу асосда фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган обьектлар ҳамда ер участкаларини аниқлайди;

илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастлиги ҳамда ишламаётганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлайди;

янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олишда, коммуникацияларга уланишда ва тижорат банкларидан кредитлар ажратилишида уларга қўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлайди;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусийлаштирилган объектлар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга бизнес юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касб-хунар коллежлари базасида ўтказиладиган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республика миқёсида ишлаётган, катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этади.

худудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

худуднинг туризм соҳасидаги асосий вазифалар ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

туризм соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига таалуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиққа киритиш;

туристлар (экскурсантлар)га худуддаги туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек тиббий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги фавқулотда ёрдам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

туризм соҳасида турли тадбирлар (фестиваллар, сайллар в.б.)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чукур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа

йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги дикқатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

кўшимча туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида кўнгилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

туризмни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик, идора ва қўмиталарнинг ҳудудий бошқармаларнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

туризм соҳасидаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёхлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, туризм хизматларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқш, чет мамлакатлардаги туризм марказларида нарх коњюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги хизмат ва маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маданий-таништирув мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ўкувчилари учун ва саёҳатлар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда қўмаклашиш;

юртимизда ва чет эл мамлакатларида бўлиб ўтадиган миллийва халқарро туризм ярмаркаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиш йўли билан ҳудуднинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш;

ҳудуддаги туризм ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлаш.

мажмууга юқори ташкилотлардан келган ҳамда ҳоким ўринбосари ва

мажмуа назоратидаги хатларни ўз вақтида бажарилиши таъминлаш бўйича иш олиб боради ва бажарилиши таъминланмаган ҳужжатлар бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади.

### **Кўйидаги ташкилотларнинг тегишли масалаларини кўриб чиқилишини таъминлайди:**

туман Инвестиция бўлими;

Чет эл инвесторлари иштирокидаги қўшма корхоналар;

шунингдек фаолият доирасига кирувчи барча корхона ташкилот ҳамда ҳўжалик бирлашмалари.

тумандаги туризм соҳаси субъектлари (мехмонхоналар, туроператорлар, турагентлар, ҳамроҳ-таржимонлар, умумий овқатланиш шахобчалари в.б.);

туризм инфратузилмасини шакллантиришда ва туристларга хизмат кўрсатишида иштирок этувчи ташкилотлар.

### **Етакчи мутахассис**

Иш режасига биноан фаолият кўрсатади. Туман ҳокимининг тегишли қарор ва фармойишлари бажарилишини ташкил этади ва назорат қиласи. Ижро интизомига мувофиқ ўзига бириктирилган муассасаларга боғлик барча ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

Ҳоким ўринbosари топшириқларини бажаради.

Ўзига бириктирилган ташкилотларнинг ишини чукур ўрганиб, заруратга қараб олдига қўйилган масалаларнинг ҳал қилинишида жойларга бориб амалий ёрдам кўрсатади.

Тегишли худудда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, алоҳида ҳукуқий ва иқтисодий режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг самарали фаолият юритишини ташкиллаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларини шакллантириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини таъминлайди;

инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар худудида жойлаштириш бўйича таклиф киритади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига ер майдонлари тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан мониторинг юритади;

давлат мулки бўлган ишламаётган корхоналар ва бўш ётган мол-мулкларни эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда “нол” харид қиймати бўйича

сотиш тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этади;

эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг бош режаларини, шунингдек, кичик саноат зоналарини ривожлантириш режаларини кўриб чиқиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мониторинг юритади;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек инвестициялаш тўғрисида битимга киритилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчилари корхоналарининг бизнес-режалари параметрлари бажарилиши устидан мониторинг олиб боради;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари - тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва корхоналарнинг фаолият юритишида юзага келадиган масалалар комплексини ҳал этишда ёрдам кўрсатади;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади.

худудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

худуднинг туризм соҳасидаги асосий вазифалар ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

туризм соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига таалуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқка киритиш;

туристлар (экскурсантлар)га худуддаги туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек тиббий, хукукий ва бошқа турдаги фавқулотда ёрдам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

туризм соҳасида турли тадбирлар (фестиваллар, сайллар в.б.)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чукур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги дикқатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

қўшимча туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида кўнгилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

туризмни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик, идора ва қўмиталарнинг ҳудудий бошқармаларнинг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

туризм соҳасидаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёхлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, туризм хизматларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқш, чет мамлакатлардаги туризм марказларида нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги хизмат ва маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маданий-таништирув мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун ва саёҳатлар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда қўмаклашиш;

юртимизда ва чет эл мамлакатларида бўлиб ўтадиган миллийва халқаро туризм ярмаркаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиш йўли билан ҳудуднинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш;

ҳудуддаги туризм ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлаш.

## **Қуидаги ташкилотларнинг тегишли масалаларини кўриб чиқилишини таъминлайди:**

Фаолият доирасига кирувчи барча корхона ташкилот ҳамда хўжалик бирлашмалари.

### **Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари**

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги комплексига раҳбарлик қилади. Соҳага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Ҳукумат қарор ва фармойишлари, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва вилоят ҳокими ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари ва топшириклари билан ҳокимликка юкландган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширади.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлайди.

Деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштиради.

Қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташки ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўради.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, соҳаларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ишларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг ҳамкорлари

ўртасида мулк шаклини ва иқтисодий ўзаро муносабатларни такомиллаштириш, фермер, дехқон хўжаликларини ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ривожлантириш чораларини кўради.

Ерлардан самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги қурилиши ташкилотларини қўллаб-куватлаш, табиатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича ишларни ташкил этади.

Соҳада ягона техник ва технологик сиёsatни амалга оширади, илғор агротехнологияларни жорий қилиш, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини, пиллачиликни ва чорвачиликни ривожлантириш, наслчиллик, зооветеринария хизматлари кўрсатилиши, чорва озуқаларининг таъминланиши масалалари билан шуғулланади.

Қишлоқ аҳолисининг даромадларини ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган кичик бизнесни, тадбиркорликни, касаначиликни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича кичик корхоналарни ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Дехқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усусларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизmlари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчиллик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этади.

Ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш чораларини кўради.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси обьектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Биритирилган соҳаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш ва улардаги аҳволни танқидий таҳлил қилиш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан доимий шуғулланади ҳамда лавозимларга тайинлаш бўйича таклифлар беради.

Халқ депутатлари туман Кенгаши тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда ишлайди.

тасарруфидаги тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон ҳамда 1999 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

ўз йўналишига тааллуқли муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга тақдим этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

туман ҳокимининг ўринбосари мажмуасига раҳбарлик қиласи;

### **Қуйидаги комиссиялар ва кенгашлар ишига раҳбарлик қиласи:**

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича туман комиссияси;

балиқчилик, сув ҳавзаларини балиқ овлаш учун ижарага бериш масалалари бўйича маҳсус танлов комиссияси

қонун хужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа худудий комиссиялар ва кенгашлар.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар иш фаолиятини ташкил этади:**

Ер танлаш ва ажратиш комиссияси (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси;

Тошқинга қарши кураш бўйича туман комиссияси.

### **Қуйидаги ташкилотларнинг тегишли масалалари кўриб чиқилишини таъминлайди:**

туман қишлоқ хўжалиги бўлими;

ирригация тизимлари ҳавза бўлими;

дон маҳсулот корхоналари;

туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;

туман “Пилла” ташкилоти;

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ худудий ташкилоти;

туман фермерлар кенгаши;  
туман табиатни мухофаза қилиш инспекцияси;  
туман ветеринария бўлими;  
туман ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;  
тумандаги фермер хўжаликлари га хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор парклари,  
сув истеъмолчилар уюшмалари,  
биолабораториялар,  
ёқилғи-мойлаш ва минерал ўғит шахобчалари,  
“Агротехсервис МТП” МЧЖ  
барча йўналишдаги фермер хўжаликлари.

### **Бош мутахассис**

Мажмуанинг барча ташкилий ишларини бажарилишини назорат қилади ва таъминлайди, хужжатларни муддатида, сифатли тайёрланишини, қўйилган вазифа, топшириқларни жойига аниқ ва зудлик билан етказилишини амалга оширади. Туман ҳокимининг ўринбосарининг топшириқ ва кўрсатмаларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман ҳокимлиги йиғилиш баёнлари ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди. Туман ҳокимининг соҳага алоқадор қарор ва фармойишлари лойиҳаларини тайёрлайди, мажмуа иш дастури, режаларини тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини назорат қилади.

Чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик, сувдан фойдаланиш, ирригация ва мелиорация масалалари, гидрометеорология соҳаси корхона ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Иш тақсимотига қўра мажмуа фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни энг муҳим йўналишлари, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ирригация-мелиорация тадбирларини доимий равишда бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар асосида иш олиб бориб, ҳар ойлик режасини тузади.

Қишлоқ хўжалигида янги мулк эгалари ва фермерлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш чораларини кўриб боради.

Туман ҳокимлигига ва ҳокимликнинг жойларда ўтадиган ишчи йиғилишларини ташкил этилишини таъминлайди.

### **Қуйидаги ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради:**

туман қишлоқ хўжалиги бўлими;  
ирригация тизимлари ҳавза бўлими;  
дон маҳсулот корхоналари;

туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;  
туман “Пилла” ташкилоти;  
“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ худудий ташкилоти;  
туман фермерлар кенгаши;  
туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси;  
туман ветеринария бўлими;  
туман ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;  
тумандаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи муқобил машина  
трактор парклари,  
сув истеъмолчилар уюшмалари,  
биолабораториялар,  
ёқилғи-мойлаш ва минерал ўғит шахобчалари,  
“Агротехсервис МТП” МЧЖ  
барча йўналишдаги фермер хўжаликлари.

### **Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**

Комплексга умумий раҳбарликни амалга оширади. Соҳага даҳлдор бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қарорлари ижросини ташкил этади.

#### **Ёшлар сиёсати соҳасида:**

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюшмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оиласарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 11 синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ва таълим тизимида ўқиши билан тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

касб-хунар коллажлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни худудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъододли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимоти юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиши, битирувчиларни чукур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўкув жараёни сифатини, ўкувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илфор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўкув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чукурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишининг илфор кўникумаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўгаракларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини карор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюшмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини

оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюшмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оиласий тадбиркорликка кенг жалб этиш, хуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган маҳсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оиласарга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича турли чора-тадбирлар белгилаш;

ёш авлоднинг хуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил этиш;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оиласарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ишларни ташкил этиш.

### **Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:**

аҳолига ижтимоий хизмат қўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, хаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-хуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабарини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласирий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оиласирий патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташҳис қўйишнинг замонавий усусларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усусларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар, айниқса энг чекка қишлоқларида халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга замонавий спорт иншоотларини барпо этиш;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, бандлик, майший хизматлар кўрсатиш,

маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, ахолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш ва таклифлар ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

маҳалла фуқаролар йигинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамиятлари институтлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

### **Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:**

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

ҳудудда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳудудда жиноятчилик ва хукуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, хуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, хукуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини қучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик

қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, муруват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий мухитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан, ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, қасбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йигинларига қонунчилиқда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, қасбий ва бошқарув кўнилмаларини, ҳукуқий ва ижтимоий-иктисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, вилоят (шахар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлаш;

фуқаролар йигинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишида фуқаролар йигинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

фуқаролар йигинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти

соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

туманда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, худудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёsat олиб бориш;

давлат органларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

"Хаж" ва "Умра" тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-куватлаш "Нуроний" жамғармасининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш.

Ҳоким ўринбосари:

туманда дин билан боғлиқ, миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам ўрганади, уларни янада соғломлаштириш бўйича амалий

чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва бошқа диний ташкилотлар, “Нуроний”, ФЖШМҚМИнинг ҳудудий бўлими, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари туман бўлими, сиёсий партиялар, туман касаба уюшма ташкилотлари, миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятларининг ҳудудий тузилмалари томонидан уставида белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишига қўмаклашади ва мувофиқлаштиради, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга доир таклифлар киритади.

туман ҳокимининг ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро дўстлик-тотувликни таъминлашга қаратилган қарорлари ҳамда фармойишлари лойиҳаларини тайёрлайди;

мувофиқлаштириладиган ташкилотларнинг устав фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга ошириш, шунингдек, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қиласиди;

ақидапарастлик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро ҳамкорлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишларнинг савияси ва таъсирчанлигини ошириш бўйича қабул қилинадиган ҳукумат дастурининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди;

диний экстремизм ва миссионерлик фаолияти ғояларининг тарқалишига қарши тушунтириш ҳамда профилактика ишларини ташкил этишни мувофиқлаштиради;

диний вазиятнинг ўзгарувчанлиги қайд этилган ҳудудларда экстремизм, терроризм ва ақидапарастликнинг заарли оқибатлари тўғрисида тушунтириш ва профилактика ишларини ташкил этиш;

жазони ижро этиш муассасаларида диний экстремистик оқимлар аъзолари бўлган маҳбуслар билан профилактик ва тушунтириш ишларини ташкил қиласиди;

давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла йиғинларида, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламлари жумладан, хусусий тадбиркорлар, вақтинча ишсизлар ва уюшмаган ёшлар ўртасида экстремистик оқим, миссионерлик билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

диний экстремизм ва терроризмга қарши тарғибот тадбирларининг таъсири ва самарадорлигини ошириш, тарғиботчиларнинг нутқ маданияти ва аудитория билан ишлаш малакасини ўстиришга бағишлиланган ўқувлар ташкил этиш;

диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари, участка нозирлари билан диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича амалга ошираётган ишларини

мувофиқлаштириб боради;

имом-хатибларнинг дунёда содир бўлаётган воқеа ҳодисалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида билим ва тасавуруни янада кенгайтириш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил этиш;

носоғлом “тариқат” гояларини тарқатаётган етакчилар ва уларнинг жойлардаги вакиллари билан профилактик сухбатлар ўтказиш;

мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда коллеж ўқувчилари билан “Маърифий ислом ақидапарастликни қоралайди”, “Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида тарғибот тадбирларини ўтказиш;

хорижга ишга кетаётган фуқароларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган тушунтириш ҳамда узоқ муддат хорижий сафарда бўлиб қайтган меҳнат мигрантлари билан профилактик ишларни амалга ошириш;

туман газета ва журналларда ақидапарастлик гурӯҳларнинг бузғунчи гоялари ва жиной фаолиятини фош этувчи мақолалар тайёрлаш;

хотин-қизлар ўртасида диний аҳволни мониторинг қиласи, вақтинча ишсиз аёллар, уй бекалари билан диний экстремистик оқим аъзолари ва миссионерлар фаолияти таъсирига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган тушунтириш ва профилактик ишларини кучайтириш.;

аёллар орасида диний мутаасибликка берилишнинг олдини олишга қаратилган туркум қўрсатувлар ташкил этиш;

мутаассиб диний қарашлар ва хурофотга берилган отинойилар билан якка тартибда профилактик тадбирлар уюштириш;

туман марказларида ихтисослашган мазмундаги маҳсулотларнинг савдо дўконлари фаолиятини тартибга солиш ва уни такомиллаштириш;

диний мазмундаги маҳсулотларни ноқонуний тарзда ишлаб чиқариш, тарқатиш ва республикага олиб кириш ҳолатларини олдини олишга қаратилган манзилли чора-тадбирларни кучайтириш;

ўқув марказлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, интернет кафеларнинг фаолиятида миссионерлик ҳолати мавжудлиги бўйича ўрганиш;

расмий рўйхатдан ўтган ноисломий диний ташкилотларнинг низоми асосида фаолият юритишини назорат қилиш;

фаол миссионерлик ҳолатлари кузатилган ҳудудларда профилактик тушунтириш ишларини олиб бориш, мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда коллеж ўқувчилари билан миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ салбий ҳолатларини олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш ишларини ташкил этиш;

ОАВларда халқимиз бағрикенглигини ва давлатимиз томонидан барча

миллатлар учун яратилган шароитлар, турли элатларнинг ҳамжиҳат ҳаётини тарғиб этиш, туманда яшовчи миллат ва элатлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, кўрсатувлар, ахборотлар, видеороликлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этишни ташкил этиш;

ННТларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг миллатлараро ва динлараро муносабатлар, диний хуқуқ ва эркинликларни таъминлашга тааллуқли шикоят ҳамда аризаларини ўрганади, тегишли ташкилотлар раҳбарларига аниқланган хуқуқбузарлик ва камчиликларни бартараф этиш учун ўтказилган ўрганиш ҳамда текширувлар натижалари бўйича материалларни юборади;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссия фаолиятига шахсан раҳбарлик қиласи, зиёратчилар рўйхатини тузишда ижтимоий одилликни таъминлайди;

жамият манфаати йўлида жамиятда раҳимдиллик ва инсонпарварлик ғояларини жорий этишга кўмаклашадиган ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган амалий ташаббусларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларга ёрдам бериш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни самарали амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларга кўмаклашади, минтақани ижтимоий-иктисодий ва маънавий ривожлантириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг халқаро ҳамкорлигига ёрдам берадиган чора-тадбирлар тизимини ҳаётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юклangan вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тасаррӯфидаги тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартағи 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни

тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашларишига раҳбарлик қилади:**

туманда Оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссияси;

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш туман комиссияси;

туманда муборак “Ҳаж” ва “Умра” зиёратига бориш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссияси;

туман ҳокимлиги хузуридаги Миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши;

қонун хужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа худудий комиссиялар ва кенгашлар.

### **Қуйидаги комиссия ва Кенгашлар иш фаолиятини ташкил этади:**

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасининг туман кузатув Кенгаши ;

Ёшлар масалалари бўйича туман идоралараро Кенгаши;

туман Маънавият ва маърифат Кенгаши;

Географик обьектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси;

туман ҳокимлиги хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси;

туманда эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси;

туманда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш комиссияси;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича туман комиссияси;

Таносил касалликларига қарши курашиш туман идоралараро комиссияси;

Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши.

### **Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги**

## **билин ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:**

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши;  
туман халқ таълими бўлими;  
ўрта-маҳсус касб-хунар коллежлари;  
туман Мактабгача таълим бўлими;  
туман тибиёт бирлашмаси;  
туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази;  
туман маданият бўлими;  
туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими;  
Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими;  
туман Маҳалла Кенгаши;  
туман матбуот бўлими;  
оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение);  
“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси туман бўлими;  
Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси туман бўлими;  
Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партияларнинг туман бўлимлари;  
“Ўзбекистон чернобилчилари” ассоциацияси туман бўлими миллий-маданий марказлари;  
Касаба уюшмалари ташкилотлари туман Кенгаши;  
Ўзбекистон Мусулмонлар идораси туман вакиллиги;  
ноисломий диний ташкилотлар;  
миллий-маданий марказлари;  
бошқа жамоат ташкилотлари.

### **Бош мутахассис**

Бошқарув органларининг, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг туман тизими, таълим, маданий-маърифий муассасаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг давлат ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳамда баркамол авлодни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўгаракларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш

ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларни мувоифқлаштириб бориш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

уюшмаган ёшларнинг манфаатларини рӯёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувоифқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилашда иштирок этиш;

уюшмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оиласвий тадбиркорликка кенг жалб этиш, хуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган маҳсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига ҳалқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чукурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими ва туман ҳокими қарорлари бажарилишини ташкил этади.

**Қуидаги ташкилотларнинг тегишли масалаларини кўриб чиқилишини таъминлайди:**

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши;  
туман халқ таълими бўлими;  
ўрта-махсус касб-хунар коллежлари;  
туман Мактабгача таълим бўлими;  
туман тиббиёт бирлашмаси;

туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази;  
туман маданият бўлими;

туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими;

Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими;

туман Маҳалла Кенгаши;

туман матбуот бўлими;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение);

“Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси туман бўлими;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси туман бўлими;

Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партияларнинг туман бўлимлари;

“Ўзбекистон чернобилчилари” ассоциацияси туман бўлими миллий-маданий марказлари;

Касаба уюшмалари ташкилотлари туман Кенгаши;

Ўзбекистон Мусулмонлар идораси туман вакиллиги;

ноисломий диний ташкилотлар;

миллий-маданий марказлари;

бошқа жамоат ташкилотлари.

**Туман ҳокими ўринбосари-Хотин-қизлар қўмитаси раиси**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман ҳокимининг қарорлари ва топшириклари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширади;

Қуйидагилар туман ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

хотин-қизларнинг мақомини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятнини ошириш, уларнинг хукуқлари ва манфаатларини таъминлаш, хукуқий маданиятини, оила ва жамиятдаги ролини ошириш;

давлат ва жамоат органларини жалб этган ҳолда ёш оиласарни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, улар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш соҳасида тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича тизимли иш олиб борилишини ташкил этиш;

хотин-қизлар масалалари бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида ва уларни амалга оширишда, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришда, ижроси устидан жамоатчилик назоратини йўлга кўйишда фаол иштирок этиш;

қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, иқтидорли, қобилиятли қизлар захираси билан тизимли иш олиб борилишини ташкил этиш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича ҳудудий комиссия фаолиятини такомиллаштириш;

ташаббускор, амалий иш тажрибасига эга бўлган қизлардан кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг номзодларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига шаффофлигини таъминлаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол иштирок этишга кўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари хукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда хотин-қизлар қўмиталари билан фуқаролик жамияти институтлари ва бошқаруви органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кенгайтириш, хотин-қизларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш ишларини ташкил этиш;

б) оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш соҳасида;

жойларда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ва якка тартибда иш олиб борилишини ташкил

етиш;

ёрдамга муҳтож бўлган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ва турар жой шароитлари яхшиланишига муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларнинг манзилли рўйхатларини тузиш;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, уларнинг оилалари ва болалари учун зарур бўлган ижтимоий-хуқуқий, психологик ва моддий ёрдам турларини аниқлаш ва улар билан таъминлаш, шахсларнинг ушбу тоифасининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун давлат органларига ва ташкилотларга мурожаат қилишга кўмаклашиш;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларнинг қизларини ўқитиш мақсадида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг дам олишини ҳамда уларга зарур тиббий ва психологик ёрдам берилишини ташкил этиш;

оилавий ва шахслараро низоларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳамда жамият ва оилада маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларнинг барвақт профилактикаси бўйича манзилли ишлар олиб бориш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, кекса ва хурматга сазовор, жамиятда катта обрўга эга бўлган аёллар ва фуқароларни фаол жалб этган ҳолда жойларда оилавий ажралишларнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш, намунавий оилаларнинг ҳаёт тарзини тарғиб қилиш;

оилавий муносабатларни соғломлаштириш, никоҳ ва оила институтини мустаҳкамлаш, никоҳ шартномаларининг хусусиятлари ва шартлари, фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг бевосита масъулияти, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ тизимли тарғибот тадбирларини йўлга қўйиш;

в) хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат хуқуқларини таъминлаш соҳасида;

бандлик дастури доирасида хотин-қизларни, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, улар бандлигининг сифати, доимий иш ўрни билан таъминланганлиги юзасидан назоратни йўлга қўйиш;

хотин-қизларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёш қизларни тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланишга кенг жалб этишга кўмаклашиш, ушбу мақсадлар учун кредит ва бошқа ресурсларни жалб этиш;

хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга ва кичик ёшдаги болалари бўлган аёлларга

қўшимча имтиёзлар бериш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратишида кўмаклашиш, берилган имтиёзлар тўғри қўлланилиши масалаларини тартибга соловчи, давлат рўйхатидан ва бошқа тартиботлардан ўтиш, меҳнат муносабатларига киришиш бўйича қонунчилик хужжатлари юзасидан тушуниришлар олишда уларга ёрдам бериш;

г) жиноят содир этишга мойил бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш орқали хотин-қизлар орасида хуқуқбузарилкларнинг барвақт профилактикаси соҳасида:

хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш;

хотин-қизлар орасида хуқуқий тарбия ва хуқуқий тарбибот, хуқуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш, оиласарда ижтимоий-маданий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш;

жиноят содир этишга мойил бўлган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, маҳсус ўқув-тарбия муассасаларидан, ижтимоий реабилитация ва хотин-қизларни мослаштириш муассасаларидан қайтган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришни ташкил этиш.

д) "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

мутасаддилик қиладиган ташкилотлар билан биргаликда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, туманинг тегишли тармоқлари ва худудларидаги масалалар бўйича "йўл хариталари" лойихаларига киритиш ва таклифлар тайёрланишини ташкил этиш;

мажмуа ваколатларига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ташрифлари ва Самарқанд вилоятига сафарлари натижалари бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" бажарилиши устидан тизимли назорат амалга оширилишини мувофиқлаштириш.

мутасаддилик қилинадиган масалалар юзасидан ташкилотлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банкларининг "йўл харитлари" амалга оширилиши тўғрисидаги батафсил ахбороти, материаллар ва ҳисоботлар таҳлил этилишини таъминлаш ҳамда уларни муҳокама қилиш учун туман ҳокимлиги мажлисларига киритиш;

"Йўл харитлари" амалга оширилиши самарадорлиги юзасидан тақдим этиладиган ахборот ва материалларни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича туман комиссияси фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сон Фармони амалга оширилиши бўйича чора-тадбирлар бажарилишини мувофиқлаштирувчи туман комиссияси иши ташкиллаштиради.

### **Қуидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради:**

"Соғлом авлод учун" жамғармаси;

"Тадбиркор аёл" уюшмаси туман бўлими;

"Қизил ярим ой" жамияти;

"Оила" илмий-амалий маркази туман бўлими;

Хотин-қизлар ўқув маркази.

### **Бош мутахассис**

Хотин-қизлар ишларига оид Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлар, Вазирлар Махкамаси, вилоят ҳамда туман ҳокимининг қарор, фармойишлари ва давлат ҳамда худудий дастурларнинг жойларда бажарилишини ташкиллаштиради, натижаларини таҳлил этиш асосида амалий, методик йўналишларни белгилаб беради;

мажмууга ижро учун келадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг ҳужжатлари, Президент фармон, қарор, фармойишлари, Ҳукумат ҳужжатлари, йиғилиш баёнлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитасидан келадиган топширикларни рўйхатдан ўтказади, ҳоким ўринбосарига имзога киритади ва ўз муддатида ижрочига етказилишини таъминлайди, ижроси бўйича назорат олиб боради, жавоб хатларини юқори ташкилотларга жўнатади.

жойларда аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ўрганиб чиқиши, унинг натижаларини таҳлил этиш асосида хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга имтиёзли кредитлар олиб бериш борасида Хотин-қизлар

кўмиталари ва мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлардан таклифлар олади, ишида кўмаклашади ва мувофиқлаштиради.

туман ҳокими ўринбосарига тегишли топшириқларнинг, туман ҳокимлиги қарорлари, йиғилиш баёнларининг бажарилишини назорат ва таҳлил қилишни таъминлайди, туман ҳокими ўринбосарига уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ахборот беради;

туман ҳокими ўринбосарининг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг бажарилишини ташкил қилади, ҳоким ўринбосари бошқарадиган йиғилишлар ва мажлисларнинг тайёрланиши ва ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади;

туман ҳокими номига келаётган хат-хабарларни таҳлил қилади, тегишли материаллар тўғрисида ахборот беради ва тушган хат-хабарлар юзасидан тегишли материаллар тўғрисида тегишли ижрочиларга топшириқлар юборади;

туман ҳокимлигининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргалиқда туман ҳокими ўринбосари томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилинишини ташкил этади, туман ҳокими ўринбосари топшириғига биноан жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилади;

туман ҳокими ўринбосарининг топшириқларини ижрочиларга етказади, туман ҳокими ўринбосари топшириқлари ва кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилади.

### **Қуидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради:**

“Қизил ярим ой” жамияти;

“Оила” илмий-амалий маркази туман бўлими;

Хотин-қизлар ўқув маркази.

### **Етакчи мутахассис**

Иш юритишни таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, электрон ҳужжат айланиш тизими ва Ижро интизоми бўйича ягона идоралараро тизим орқали келиб тушган ҳужжатларни ўз вақтида ижроси таъминланиши ва назоратдан чиқарилишини амалга оширади;

туман ҳокими ўринбосарига тегишли топшириқларнинг, туман ҳокими қарорлари, йиғилиш баёнларининг бажарилишини назорат ва таҳлил қилишни таъминлайди, туман ҳокими ўринбосарига уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ахборот беради;

туман ҳокими ўринбосарининг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

туман ҳокими ўринбосари бошқарадиган йиғилишлар ва мажлисларнинг тайёрланиши ва ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорларнинг

бажарилишини назорат қилади;

туман ҳокими номига келаётган хат-хабарларни таҳлил қилади, тегишли материаллар тўғрисида ахборот беради ва тушган хат-хабарлар юзасидан тегишли материаллар тўғрисида тегишли ижрочиларга топшириқлар юборади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик чораларини белгилашда, ариза ва шикоятлар билан ишлашни ташкил этишда, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишини мувофиқлаштиради, уларга амалий ёрдам беради;

хотин-қизлар қўмитасининг оммавий ахборот воситалари, таълим, маънавий ва маърифий ташкилотлар, сиёсий партиялар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида ҳамкорликдаги ишларни ташкил этади;

ҳарбий қисмларда ҳарбийларнинг оиласлари билан ҳамкорликда тарихий саналар, байрамлар муносабати билан учрашувлар, тадбирлар ва семинарлар ташкил этади. Нотинч оиласлар ва оиласвий муаммолар юзасидан жойларга чиқади, вазиятни ўрганади ва натижаси бўйича раҳбариятга таклифини беради.

### **Қуйидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради:**

“Софлом авлод учун” жамғармаси;

“Тадбиркор аёл” уюшмаси туман бўлими;

### **Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурӯхининг асосий вазифалари**

#### **Гурӯх раҳбари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, вилоят ҳамда туман ҳокимлиги раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларни танлаш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва уларга амалдаги ҳамда истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш бўйича гурӯхнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Кадрлар заҳирасининг сифати учун шахсан жавоб беради.

Ташкилий-назорат гурӯхи бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади.

Тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш чора-

тадбирлари комплексини амалга оширади, кўриб чиқилаётган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини ташкиллаштиради.

Келгусида ҳудудий бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ишларини ташкил этади.

Ҳудудий бошқарув органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради.

Бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қиласди.

Захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қиласди.

Ҳокимнинг ўринbosарлари билан биргаликда мутасаддилик қиласдан ҳокимлик аппарати кадрларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Захирага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориши ташкил этади. Кадрларни тайёрлаб боришининг схемалари тузилишини таъминлайди ва унинг ижросини назоратга олади.

Ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш юзасидан туман ҳудудий бошқарув органлари ишини ташкиллаштириш, уларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Гурухга келган ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди.

Гурухнинг мутахассисига топшириқларни беради ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳамда туман ҳокимлигининг иш режаси лойиҳаларини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тавсия этиш ва алмаштириш масалаларини кўриб чиқади ва туман ҳокимлиги раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширади.

Туман ҳокимига гурух ходимларини, туман ҳокимлигини, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларини рағбатлантириш ёки ишдан четлаш тўғрисида таклифлар киритади.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гурухининг хизмати ва туман ҳокимининг раҳбарлигига иш олиб боради.

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ташкил этади.

Туман ҳокимлигига, туман бошқарма, ташкилот ва корхоналарда ижро назоратини кучайтириш, иш юритиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш

тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вилоят ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича назоратини олиб боради.

### **Етакчи мутахассиси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, вилоят ҳамда туман ҳокимлиги бошқарув лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларни ва захирадаги кадрларни танлаш, ўрганиб бориш бўйича ҳужжатларни тўплайди ва гуруҳ раҳбарининг ушбу ишлар бўйича топшириқларини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг, унинг комиссияларининг ва бошқа ишчи органларнинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди, депутатларга уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади.

Фуқароларнинг маҳалла йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда худудий давлат органларига кўмаклашади.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ишларини мувофиқлаштириб, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ишларини доимий назорат қилиб, ўрганиб боради, туман ҳокими ва гуруҳ раҳбарига зарур маълумотномаларни тайёрлаб беради.

Туман ҳокимининг топшириғига асосан Ватанимиз тараққиётiga муносиб ҳисса қўшаётган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётган, республикамиз иктисодий қудратини мустаҳкамлаш, миллий маданиятимизни юксалтиришга хизмат қилаётган, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-хурматига сазовор бўлаётган туманимиз фуқароларини рағбатлантириш мақсадида туман ҳокимининг фахрий ёригини тайёрлайди.

Гуруҳ назоратидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати палаталари қарорлари, Президент фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларининг бажарилишини жойларга чиқиб ўрганади.

Маҳаллий вакиллик органлари – халқ депутатлари туман Кенгashi, улар доимий комиссиялари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда кўмаклашади.

Худди шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги

соҳаларида кадрлар сиёсатини юритади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гурухи халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялар ишини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, мурожаат, шикоятларини бевосита жойларда ўрганади.

### **Девонхона мудири**

Девонхона фаолиятини ташкил этади ва раҳбарлик қилади. Таасдиқланган норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади.

Ҳокимлиқда иш юритиш, ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва тақсимлашни ташкил этади. Туман ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон ҳамда 1999 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сон қарорлари, шунингдек, туман ҳокимлигига иш юритиш тартиби асосида иш юритиш қўлланмаси, тавсия ва йўриқномалари асосида иш юритишни таъминлайди.

Туман ҳокими аппарати архивининг иш фаолиятини назорат қилиб боради. Таркибий бўлинмалар томонидан ҳужжатлар номенклатурасига амал қилинишини ўрганиб боради ва амалий ёрдам беради.

Туман ҳокимлиги таркибий бўлинмалари билан иш юритиш юзасидан муносабат юритади. Туман ҳокимлигига иш юритиш аҳволини ўрганади ва амалий ёрдам кўрсатади.

Девонхона мудири туман ҳокимининг тезкор топшириқлари ижросини ташкил этади, иш хонасида жиҳозларнинг сақланишини таъминлайди.

Туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари лойиҳалари тайёрланишини пухта таҳлил қилинганлиги ҳамда тегишли масъуллар томонидан виза қўйилганлигини кўриб чиқиб, туман ҳокимига киритилишини таъминлайди, ҳоким имзосидан кейин расмийлаштиради ва қарор, фармойишни тайёрлаган бўлинма масъул ходими томонидан жўнатиш ва рақасида қўрсатилган нусха сонига кўра нусха олишга рұксат беради ҳамда ижрошиларга етказилишини ташкил этади.

Ҳокимнинг қарор ва фармойишлари ҳамда ҳокимлик девонига келган

хужжатларни муқовалашга тайёрлайди, тўлиқлигига қараб муқовалаштиришни ташкил этади ва назорат олиб боради.

Девонхона масъул ходимлари иш фаолиятини вазифалар тақсимоти бўйича мувофиқлаштиради ва фаолиятини таҳлил этиб боради, тегишли таклиф ва хulosаларини раҳбариятга билдиради.

Туман ҳокимининг қарор, фармойишлари, ҳокимликнинг чиқиши ҳужжатлари ва йиғилиш баённомаларини ижрочи томонидан берилган жўнатиш варақаси асосида нусха кўпайтириб олишга ҳамда архив ҳужжатларини олиш ва фойдаланишни тегишли соҳа бўйича ҳоким ўринбосарининг ёзма рухсати асосида ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этишини фақат туман ҳокимининг аниқ кўрсатмасига кўра амалга оширади.

Ҳокимлик аппаратига ишга қабул қилинган ходимларни ҳокимлик тузилмаси, иш юритиш йўриқномаси ва ижрони назорат қилиш ва текшириш бўйича асосий қоидалар, ички меҳнат тартиби қоидалари ва ҳокимлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таниширади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди.

Туман ҳокими ва ҳоким ўринбосарлари раислигида бўлиб ўтган йиғилишлар баённомаларини рўйхатдан ўтказади ва уларнинг сақланишини таъминлайди.

Юқори органлардан келган ҳужжатларни муҳимлиги аниқ муддатлари кўрсатилган ҳужжатлар ҳамда вилоят ҳокимининг топшириқ кўрсатмаларига қараб ҳужжатларни назоратга олади ва йўриқномада кўрсатилган тартибда “Н” белгисини кўяди.

### **Девонхона бўлими 2-тоифали мутахассиси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли ҳамда 29 мартағи 140-сонли қарорлари билан тасдиқланган Йўриқномаларда иш юритиш бўйича кўрсатилган бандларга мувофиқ иш олиб боради.

Девонхонага келиб тушган барча ҳужжатларни ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари кўрсатмасидан сўнг ижрочиларга етказади.

Ҳужжатларни тўғри жўнатилишини ташкил қиласи ва туман ҳокимлиги ходимлари томонидан ҳужжатларни олишда карточка ва дафтарларга тўғри ҳамда аниқ ёзилишини таъминлайди ҳамда барча ҳужжатларни ижрочиларга етказишга шахсан масъул.

Иш юритишни тасдиқланган Йўриқномалар талаби асосида олиб боради ва ҳужжатларнинг тўлиқ сақланишини таъминлайди.

Туман ҳокимлигидан чиқувчи ҳужжатларни конвертга солиб, реестр ёзади

ва белгиланган тартибда олувчига (махсус), фельдегер алоқа тармоқлари орқали етказиш учун топширади (шартномага кўра). Ҳужжатларни конвертга тўғри ва сифатли жойлаштириб жўнатади.

Туман ҳокимлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойишлари, ҳужжатлари, топшириклари, йиғилиш баёнлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарор, фармойишлари, ҳужжатлари, Раёсат, мажлис баёнлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари топшириклари, шунингдек туман ҳокими қарор, фармойиш, йиғилиш баёнлари, топшириклари учун тегишли 16, 26, 36 назорат карточкалари юритилишини таъминлайди.

Лавозими доирасига кирувчи масалаларнинг муҳокамаси бўйича туман ҳокимлигига ўtkазиладиган йиғилишларда қатнашади.

### **Туман ҳокимлиги бош юрисконсультнинг вазифалари:**

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

ҳокимликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

ҳокимликнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

ҳокимлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишида иштирок этиш;

шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, ҳокимликнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳокимликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) ҳокимликда, шунингдек тегишли тузилмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) ҳокимлик раҳбариятига тақдим қилинадиган қарор, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ҳокимликнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан хулосалар беради;

г) мустақил равища ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳокимликнинг қарор, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) ҳокимлик ва тегишли тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қиласида ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) ҳокимликнинг бошқа тузилмалари билан биргаликда давлат органи, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқиша иштирок этади;

ж) ҳокимликда бошқарув тизимини такомиллаштириш, тизимга кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

з) ҳокимликда меҳнат ҳақидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқиша иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий холоса беради;

и) туман ҳокимига ҳокимлик фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади;

к) ҳокимлик ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик

органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул қилинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек ҳокимликнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида:

а) ҳокимликнинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;

б) ҳокимлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишида иштирок этади;

в) ҳокимликнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд уларни ишлаб чиқишида ҳамда Адлия бошқармасига хуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда хуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хуқуқий хulosалар тайёрлайди;

д) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан ҳокимликнинг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) тизимли равища ҳокимликнинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади;

ж) ҳокимлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

з) ҳокимликга келиб тушган ва ўзи томонидан чиқарилган ҳужжатлар, шу жумладан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

и) ҳокимликнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа хуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, ҳокимлик раҳбариятига хуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

к) ҳокимлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари

тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

л) ҳокимлик тизимиға кирадиган тузилмаларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради, келишилган ҳамкорликни таъминлайди;

м) ҳокимлик тизимиға кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

3) ҳокимлик ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) ҳокимлик раҳбариюти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) ҳокимлик, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

в) ҳокимлик фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади.

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, ҳокимликнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда ҳокимлик томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойихаларига, агар эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойихаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзgartiriш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибиға риоя этилишини назорат қиласи;

д) ҳокимликнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва ҳокимликга нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишида иштирок этади, ҳокимликда талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиши тартибиға риоя этилишини назорат қиласи;

Ҳокимликнинг юридик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Юридик хизмат бошлиғи ва бош юрисконсультига қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

## **Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия котиби**

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия котиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ иш юритади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия иш фаолиятини ташкил этади;

Комиссия фаолиятига доир йиғма жилдларни юритади.

Комиссиясининг қарорлари ижросини ҳамда қарорларнинг бажарилиши бўйича йўл қўйилган камчиликлар хусусида кўрсатма, топшириқлар юбориб, уларни ижросини таъминлайди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия қарорлари ижросини ҳамда қарорларнинг бажарилиши бўйича йўл қўйилган камчиликлар хусусида тегишли бошқарма ва идораларга кўрсатма, топшириқлар тайёрлайди ва уларни ижросини таъминлайди.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича гурӯҳ раҳбарига умумлаштирилган маълумотлар тайёрлайди.

Комиссия йиғилишига ҳужжатларини тайёрлайди, йиғилиш баённомаларини расмийлаштиради, уларни жойларда ижросини таъминланиши устидан назорат қиласи.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия ишлар номенклатурасига асосан соҳага оид бошқарма ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда йиғма жилдларни белгиланган тартиб асосида юритади.

Белгиланган тартибда соҳага оид бошқарма ва идоралардан ҳар чорак якунлари бўйича статистик ҳисоботларни қабул қиласи, ҳисоботларни умумлаштирган ҳолда вилоят хокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юборилишини ташкиллаштиради.

**Комиссия қўйидаги бошқарма ва идоралар билан ҳамкорликда фаолият юритади:**

- туман Ички ишлар бўлими;
- туман Адлия бўлими;
- туман Бандликка қўмаклашиш маркази;
- туман Халқ таълими бўлими;
- ўрта-махсус Касб-хунар коллежлари;
- туман Мактабгача таълим бўлими;
- туман тиббиёт бирлашмаси;
- туман Маҳаллалар Кенгashi;

Ўзбекистон Ёшлар иттифови туман Кенгаши;  
туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти;  
туман Касаба уюшмалари ташкилотлари;  
туман маданият бўлими.  
туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими.

**Туман ҳокимлиги Ташкилий-  
назорат гуруҳи раҳбари**

**Д.Напасов**